

**Тўрабеков С.Ш.,**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
илмий изланувчиси;

**Мухаммедов М.М.,**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
иқтисод фанлари доктори, профессор

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ТЎРАБЕКОВ С.Ш., МУХАММЕДОВ М.М. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мақолада мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш мақсадида амалга оширилган ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилган. Келажакда ушбу секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда мамлакат ташқи савдо айланмасидаги улушини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: ташқи савдо, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳияти, товар ва хизматлар экспорти, микрофирмалар ва кичик корхоналар, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар, савдо уйлари ва ваколатхоналар, товар ва хизматлар экспорти, таркибни диверсификациялаш, ихтисослаштирилган улгуржи бозорлар ва ярмаркалар, имтиёзли фоиз ва шартлардаги кредитлар, банк хизматлари, юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилиши, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар.

**ТУРАБЕКОВ С. Ш., МУХАММЕДОВ М.М. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТНОГО  
ПОТЕНЦИАЛА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

В статье раскрываются сущность и значение организационно-экономических мер, направленных на повышение роли малого и частного предпринимательства в развитии внешних торговых связей страны. Разработаны рекомендации по повышению экспортного потенциала и удельного веса данного сектора во внешнеторговом обороте страны в будущем.

Ключевые слова: торговые отношения, экспортный потенциал, малый и частный бизнес, экспорт товаров и услуг, микро и малые предприятия, местные экспортеры, торговые дома и представительства, диверсификация экспорта, товары и услуги, специализированные оптовые рынки и ярмарки, льготные процентные ставки, условные кредиты, банковские услуги, правовые, финансовые и организационные услуги, дебаты, семинары и конференции.

**TURABEKOV S., MUXAMMEDOV M. PROSPECTS OF SMALL AND PRIVATE BUSINESS EXPORT POTENTIAL DEVELOPMENT**

The article reveals the essence and importance of organizational and economic measures aimed at enhancing the role of small and private entrepreneurship in the development of foreign trade relations of the country. As well there are provided recommendations for increasing export capacity and the share of this sector in the foreign trade turnover of the country.

Keywords: foreign trade, export potential, small and private business, exports of goods and services, micro and small enterprises, local exporters, trading houses and offices, the diversification of exports of goods and services, specialized wholesale markets and fairs, preferential interest rates and conditional loans, bank services, legal, financial and organizational services, debates, seminars and conferences.

**Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига хос бўлган глобаллашув жараёнида Ўзбекистон учун ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, миллий иқтисодиётда ташқи савдо стратегиясини экспортга йўналтириш ва рақобатбардошлигини ошириш орқали жаҳон бозорида мустақкам ўринни эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»<sup>1</sup>. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, унинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатнинг ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ушбу секторнинг ташқи савдо айланмасидаги улушини кескин ошириш муҳим роль ўйнайди. Бу мақсадга эришиш учун кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий, чет эл бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий

ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавфхатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим.

Ушбу вазифаларни бажаришнинг долзарблигини мамлакатимиз Президентининг ушбу сўзлари ҳам белгилаб беради: «Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидор-гир бўлиши ва мустақкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чоратадбирлар тайёрлаш зарур»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов, И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -5-6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2012 йил 20 январь.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, республика-мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2613-сонли Фармони асосан экспорт қилувчи корхоналар учун ўзи ишлаб чиқарган товар ва хизматлар экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги улушига боғлиқ ҳолда фойда ва мулк солиғи ставкасини пасайтириш тартиби ўрнатилди. Унга мувофиқ экспорт улуши:

- сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

- сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли Фармони га биноан, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар-хизматларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган.

2012 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1731-сонли махсус қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш

кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизими яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларга экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектларига чет элда ташқи бозорлардаги маркетинг тадқиқотлари ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини реклама қилиш мақсадида савдо уйлари ва ваколатхоналар очишга рухсат берилган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сонли Қарорига кўра кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди. Қарорда мазкур соҳа вакилларига товарлар ва хизматлар учун тўловларни аввал белгиланган 60 кун ўрнига 180 кун мобайнида келиб тушиш шарти билан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1604-сонли Қарорига мувофиқ, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштириш йиғимларини 2 маротабага камайтириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, қарорга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси таш-

**1-чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси.**



кил этилди. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш;

- экспорт маҳсулотларини сертифицилаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ҳар бир тармоқ бўйича ошиб бораётганлиги, ушбу секторнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

2014 йил маълумотларига кўра, республикаимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. 2014 йилда экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак,

энг асосий улуш электроэнергия ва нефть маҳсулотларига (25,9 фоиз) тўғри келади<sup>1</sup>.

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ҳам ўрни ўзига хос аҳамиятга эга. Банклар томонидан соҳа вакилларини кредитлаш ва бошқа хизматларни кўрсатишда имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда.

Маълумотларга кўра, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2014 йилда 9,1 трлн сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга, ажратилган микрокредитлар эса 1,9 трлн сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсган<sup>1</sup> (1-чизма).

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар таркибида кичик бизнесга берилган кредитларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани кузатилмоқда. Ўзбекистонда 2009 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар таркибида кичик бизнес соҳасига берилган кредитлар улуши 22,3%ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 31,2%ни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга турли имтиёзлар ва имкониятлар берилаётганлиги билан бир қаторда унинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга ҳамон бир неча камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Назаримизда бу ўринда мавжуд муаммолар қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнес корхоналарининг товар ва хизматлари экспортини амалга ошириш механизмнинг ўта мураккаблиги, уларни ўтказиш муддатлари қийматининг юқорилиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокларини янада кенгайтиришни мувофиқлаштирувчи махсус тузилмалар фаолиятининг йўлга қўйилмаганлиги;

- кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт маҳсулотини халқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини ташкил этиш борасида маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тузилмалар хизматига эҳтиёжнинг юқорилиги;

- республикада миллий сифат тизими ISO 9000 халқаро стандартлари базасида ташкил қилувчи мактабнинг деярли йўқлиги, ваҳоланки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу тизим миллий стандартлар ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш ва

бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ролини ошириш масалалари давлатимиз тараққиёти нуқтаи назаридан муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шунга асосан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- давлат органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослаштирилган улгуржи бозорлар, ярмаркаларни уюштириш ва улар фаолиятларини ташкил қилишда, шу жумладан бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар, давлат мулки бўлган бошқа мол-мулкни ижарага бериш ёки сотиш йўли билан кўмаклашиши;

- иқтисодиётнинг устувор соҳаларида, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш, озиқ-овқат, саноат товарлари, халқ истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, коммунал ва маиший хизматлар кўрсатиш, турар жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш, инновация фаолияти ва илм-фанни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий корхоналарга имтиёзлар ва афзалликлар берилиши даражасини янада ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли фоиз ва шартларда кредитлар ажратишни кўпайтириш, банк билан ўзаро муносабатда банкка тақдим этиладиган ҳужжатларни янада соддалаштириш ва ихчамлаштириш, банк хизматлари баҳосини арзонлаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларида қатнашишини кенгайтириш ҳамда уларнинг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, кўرғазма ва ярмаркаларни ташкил этиш йўли билан мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий хари-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) расмий сайти маълумотлари. <http://cbu.uz/uzc/node/45262>

дорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, харидорларни излаш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатномаларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилишини такомиллаштириш;

- мамлакат миқёсида экспорт жараёнларини суғурталаш механизмини шакллантириш (ҳаво, денгиз ва темир йўлларда ташувлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари).

Умуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва

унинг юқори кўрсаткичларига эришиш масалаларида республика, вилоятлар миқёсида юқори малака ва тажрибага эга тадбиркорлар, иқтисодчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар, иқтидорли талабалар ва бошқа соҳа вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар кўпроқ уюштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш йўли билан мамлакат экспорт таркибини сифат ва сон жиҳатдан ўзгартириш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хорижга сотишни рағбатлантиришга қаратилган миллий экспорт сиёсатини амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -5-6.

2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2012 йил 20 январь.

3. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

4. Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // Манба: <http://www.minjust.uz/uz/press/news/2012/09/2237/>

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) расмий сайти маълумотлари.